

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 20 “ февраль № ПҚ-3550 „ “ 20 г.

**Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни
экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказишнинг самарали ва аниқ механизмларини яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ-3437-сонли ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, давлат харидларини амалга ошириш доирасида ҳужжатларни комплекс экспертиза қилишнинг самарали тизимини яратиш тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ПҚ-3464-сонли қарорларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, комплекс экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Давлат томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун тендер ҳужжатларини ва техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Контрактларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосланишини ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини, техник-иқтисодий асосланишини ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ҳамда молиявий-иқтисодий ҳисоботини комплекс экспертизадан ўтказиш бўйича ишларнинг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт

контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (кейинги ўринларда матнда Марказ деб юритилади) қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ваколатлар билан бирга:

а) лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини, молиявий-иқтисодий ҳисоботларни, шунингдек, маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ амалга ошириладиган, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар стратегик фойдали казилмаларни казиб олиш ва/ёки қайта ишлашни назарда тутадиган инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказди;

б) қуйидагиларни:

эквиваленти 100 минг АҚШ долларидан ошадиган суммадаги;

стратегик харид қилувчи томонидан, шунингдек, устав жамғармасида (устав капиталида) стратегик харид қилувчи улуши бўлган ташкилот томонидан амалга ошириладиган 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ортиқ бўлган миқдордаги товарларни (ишлар, хизматларни) давлат томонидан харид қилиш учун техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказишни амалга оширади;

в) қуйидагиларни:

стратегик харид қилувчи билан, шунингдек, устав жамғармасида (устав капиталида) стратегик харид қилувчининг улуши бўлган ташкилотлар билан тузиладиган 50 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ортиқ бўлган миқдордаги барча контрактларни;

бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга доир бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузиладиган шартномалари доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари (қарзлари) (бундан тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириладиган кредитлар мустасно) ҳисобидан давлат органлари, бюджет ташкилотлари, харид тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, устав жамғармасида (устав капиталида) 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдордаги давлат улуши билан иштирок этувчи давлат корхоналари ва юридик шахслар, устав жамғармасининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар,

шунингдек, бошқа юридик шахслар билан тузиладиган эквиваленти 100 минг АҚШ доллариға тенг бўлган миқдордан ортиқ бўлган суммадаги импорт контрактларини;

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларига киритилган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни рўёбга чиқариш доирасида, шунингдек, давлат харидларини амалга оширишда тузиладиган 100 минг АҚШ доллариға тенг бўлган миқдордан ортиқ бўлган суммадаги импорт контрактларини экспертизадан ўтказди ва рўйхатга олади.

Бунда Марказ билан харид қилинаётган буюмга нарх белгилаш ва/ёки етказиб берувчини аниқлаш масалалари келишиб олинмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муайян етказиб берувчиларнинг номини ва/ёки товарлар (ишлар, хизматлар) қийматини кўрсатиш тақиқланади.

3. Белгилансинки:

тендер ҳужжатларини ва контрактларини, шу жумладан импорт контрактларини комплекс экспертизадан ўтказиш хизмати учун қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда умумий сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳақ ундирилади;

лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосланишини ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини, техник-иқтисодий асосланишини ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ҳамда молиявий-иқтисодий ҳисоботини комплекс экспертизадан ўтказиш учун ҳақ ушбу қарорнинг 4-иловасида белгиланган тартибда ундирилади.

Экспертиза 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш шарти билан ўтказилади.

Қуйидаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун ҳақ ундирилмайди:

лойиҳаолди ёки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун техник вазифа;

харид қилинадиган товарларнинг (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари ва ёки нархи белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида тузиладиган импорт контрактлари;

тендерлар ўтказиш якунлари бўйича тузиладиган импорт контрактлари, Марказда экспертизадан ўтказилган тендер ҳужжатлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда Марказ томонидан экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказишда экспериментал тартибда шартномалар тузиш, ҳисоб-китоблар ўтказиш, ахборот узатишнинг электрон айирбошлаш тартибини, шунингдек, ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланиш учун электрон ҳужжат жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда экспериментал тартиб яқунлари бўйича электрон ҳужжат айирбошлашни кенг қўллаш мақсадида ахборот тизими орқали электрон ҳужжат айирбошлашни жорий этишга доир таклифларни, қонун ҳужжатларига мувофиқ қоғоздаги ҳужжатларга тенг мақомга эга бўлган электрон ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқишга доир таклифларни киритсин;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда ушбу қарор қоидаларидан келиб чиқиб, Марказнинг ваколатларини такрорлайдиган давлат органларининг ваколатларини мақбуллаштириш, шунингдек, уларнинг тегишли таркибий бўлинмаларини соддалаштириш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 6-иловага мувофиқ ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг директори Ш.М.Содиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев